

ШАРОББОП УЗУМ НАВЛАРИНИ МАЙДАЛАШ ВА ПРЕСЛАШ ЖАРАЁНИ ТАСНИФИ.

Махмудов Ислон Рустам ўғли

Турдибоев Анвар Алишер ўғли

Гулистон давлат университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11261031>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2024

Accepted: 20th May 2024

Published: 23rd May 2024

KEYWORDS

диффузия, вино
кислотаси, бўёқлар,
танин, мой, спирт.
эграпомпа,
виноматериал, алкагол,
бункер, банд, мезга,
гидравлик, оқ шароб,
диверсификация

ABSTRACT

Ушбу мақолада шароббоп узум навларини майдалаш ва преслаш технологияси ҳамда преслаш усуллари ва пресс аппаратларининг турлари шу билан бир қаторда узумни қайта ишлашда бажарилиши лозим бўлган жараёнлар, узум шарбатининг мейёрида истемол қилинса инсон организмига ижобий таъсири, ҳамда дунёда саноатбоп узумчиликнинг аҳволи тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.

Кириш. Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан хом ашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош виночилик ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет ел инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.МИРЗИЙОЙЕВ ни 2018-йил 28-февралда “Алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тубдан такомиллаштириш, соҳани бошқаришнинг илғор технологияларини жорий етиш, хорижий инвестицияларни жалб етиш ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ 2018-йилнинг 1-апрелидан виночилик маҳсулотлари учун яроқлилик муддатини белгилаш тўғрисидаги талаб истисно етилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини истиқболда барқарор ривожлантириш соҳада давлат сиёсатини янгича ёндошувлар асосида юритишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;

тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;

қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлардаги давлат дастурлари ва хизматларига ажратилаётган бюджет маблағлари миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳамда молиялаш тизимини такомиллаштириш лозим бўлади:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув тежовчи технологияларни жорий етиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш, ветеринария ва фитосанитария хизматлари;

бирлашмаларнинг турли шаклларини қўллаб-қувватлаш (кооперативлар, кластерлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари);

статистик маълумотларни йиғиш ва аграр бозорлар мониторингини юритиш тизимини такомиллаштириш, бозор ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалий тадқиқотлар ва изланишлар, таълим ва билимларни тарқатиш тизимини ривожлантириш.

Мазкур йўналишнинг асосий мақсади аграр сиёсатнинг янги устувор йўналишларига мувофиқ асосий давлат хизматларини кўрсатиш ва таркибий ўзгаришлар дастурларини амалга оширишга йўналтириладиган қишлоқ хўжалигига ажратилаётган давлат молиявий ресурсларини босқичма-босқич қайта тақсимлаш орқали маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Аввало сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётганини қайд етиш лозим. Лекин, кўпни кўрган, доимо ер билан тиллашиб, дардлашиб яшайдиган деҳқон ва фермерларимиз ана шундай мураккаб шароитда ҳам омилкорлик билан, бой билим ва тажрибаси, илм-фан ютуқларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Жорий йилда сизларнинг пешона терингиз билан 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот (1.4 миллион тонна узум), 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум олингани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб бораётгани сир емас. Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат екинлари йетиштиришга алоҳида еътибор бермоқдамиз. Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги тўрт йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 300 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа екинларини йетиштириш йўлга қўйилиб, жумладан, 32 минг

гектар ерда интенсив боғлар, 15 минг гектарда тоқзорлар, 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо етилгани, 114 минг гектарда сабзавот ва картошка, 72 минг гектарда дуккакли ва мойли екинлар, 52 минг гектарда озуқа екинлари етиштирилаётганини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий етиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар йетиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислоҳотларимиз сизларга яхши маълум, албатта. Натижада бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп фойда олинди.


Асосий қисм. Шароббоп узум навларини майдалаш ва преслаш жараёни

Виноматериал тайёрлаш технологиясига кўра қайта ишлаш учун қабул қилинган узумнинг шароббоп навлари махсус машиналар ёрдамида майдаланади. Узумни майдалашдан мақсад – шарбат чиқишини ошириш, унинг миқдорини кўпайтириш ва донасини тагазидан ажратишдир. Узум майдалангандан сўнг, унинг тўқималарини ташқи муҳит билан таъсир юзаси ортади ва деффузия жараёни тезлашади. Майдаланиш даражаси тайёрланадиган виноматериалнинг турига боғлиқ бўлиб, унинг асосида майдалаш қурилмаси танланади. Масалан, мусаллас типидagi шампан виноси учун ишлатиладиган виноматериал тайёрлашда таркибида экстрактив моддалари кам бўлган узум шарбати ишлатилади. Шу сабабли, бундай узум доналари майдаланиб кетмаслиги ва пўстлоғидagi ошловчи ҳамда экстрактив моддалар шарбатга ўтиб кетмаслиги учун кам механик таъсир етадиган усул қўлланилади. Аксинча, кучли винолар мадера, кагор типидagi винолар учун тайёрланадиган виноматериалларни тайёрлашда узум пўстлоғидagi экстрактив ва ошловчи моддаларнинг шарбат таркибига кўпроқ ўтишини таъминлаш мақсадида узум доналарини майдалашда кўп механик куч таъсир етадиган усул қўлланилиши лозим. Узум майдалангандан сўнг доналари тагазидан ажратилиб мезга ҳосил қилинади.




1-расм. Бункердаги узумни шнекли транспартёр ёрдамида узатиш.

Узумни эзишнинг энг кенг тарқалган усули – уни майдалагичларда, бандларини ажратувчи майдалагичларда ёки эграпомпаларда қайта ишлашдир. Кейингиси майдалагич, банд ажратувчи ва насосдан иборат агрегат бўлиб, у бандлари ажратилган бўтқани қайта ишлашга ўтказилади.



2-расм. Шингил ажратувчи ва майдалагич,
(кўндаланг кесим)



8- Расм. Майдалагич насос


Шарбат ажратиш. Мезга – бу икки фазадан иборат суюқ (шарбат) ва қаттиқ (пўстлоқ ва уруғ) масса бўлиб, асосий ярим хом-ашё ҳисобланади ва ундан шарбат олинади. Узум тагази асосий ишлаб чиқариш чиқиндиси бўлиб, у ўртача 4% ни ташкил қилади. Узум тагазининг 1 тоннасидан пресслаш орқали 2-3 дал (ёки 2-3%) тагаз шарбат олинади. Бу шарбат бижғитилиб, ҳайдаш усули билан спирт олинади. Прессдан чиққан чиқинди еса чорва молларига озуқа сифатида ишлатилади.

Оқ шароблар ишлаб чиқаришда узум бўтқаси эграпомпа, шунингдек стекателдан шарбат ўз оқими билан ажралгандан кейин пресслашга келиб тушади. Қизил шароблар ишлаб чиқаришда майдаланган бўтқа майдалагич ёки эграпомпадан бевосита чанга бижғиш учун келади, пресслашга бижғишдан шаробни катта қисми ажратиб олингандан сўнг узатилади. Шундай қилиб, прессдан пайтида бўтқадан шарбат ёки шароб ажратилади. Пресслашдан олдин оққан шарбат ёки шароб ўз оқимли, пресслашдаги – прессланган деб аталади.

Ишлаб чиқаришда пресслаш турли тузилишидаги пресслар қўлланилади. Пресслар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) Даврий ҳаракатдаги пресслар;
- 2) Тўхтовсиз ҳаракатдаги пресслар.

1) Даврий ҳаракатдаги пресслар. Винтли пресслар. Даврий ҳаракатдаги пресслар ўрганишни асосий пресс тури кўринишдаги винтли прессдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.




3-расм. Даврий ҳаракатдаги пресс.

Гидравлик пресслар. Шаробчилик хўжаликларидида винт прессларидан ташқари м-221м русумли гидравлик пресслар қўлланилади. Гидравлик пресслар икки категорияга бўлинади:

- 1) Юқори босимли пресслар;
- 2) Паст босимли пресслар.


Барча гидравлик пресслар бир принципда тузилган, аммо тузилиши бўйича улар жуда хилма-хилдир.

Юқори босимли жуда оддий тузилишли пресс бурчакли темирдан маҳкамланган ромдан иборат. Ромнинг пастки тўсинига дубли платформа маҳкамланган бўлиб, унга доира ёки тўртбурчак шаклли оддий сават ўрнатилган.



4-Расм. Юқори босимли гидравлик пресс

Паст босимли гидравлик прессда акс эттирилган. У галма-галдан ишлайдиган иккита саватга эга. Гидравлик пресслар ишда жуда қулайдир. Уларни винтли прессларга нисбатан асосий афзаллиги сезиларли даражада оз ишчи кучи сарфлашдир.



5-расм. Қўйи босимли икки саватли гидравлик пресс.

Хулоса: Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига: жумладан узум, шароб маҳсулотларига бўлган еhtiёжини қондириш мақсадида турли қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди. Унга кўра узумзорлар майдонини кенгайтириш, юқори ва сифатли, хосилдор навли узумзорларни ташкил этиш муҳим вазифадир. Республикамизда узумчилик ва шаробчилик ўз тарихига эга бўлиб маҳаллий халқ узумдан кишмиш, майиз ва шароб тайёрлашган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, узумдан тайёрланган шароб, озуқали, шифобаш ва бошқа хусусиятларга эга бўлиб инсон организми учун фойдалидир. Ҳозирги вақтда республикамизда узумни қайта ишлаб, ҳар турли шароб маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу усуллар кенг қўлланиб юқори сифатли жаҳон стандартларига жавоб берадиган турли шароблар тайёрланмоқда. Кейинги йилларда маҳаллий шароббоп навларг ҳам катта етибор қаратилмоқда, илмий тадқиқот институтларида янги шароббоп навлар яратишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу навлар турли касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Шароббоп узум навларининг таснифини ўсиши, ривожланиш босқичларини, уларни касаллик ва зараркунандаларга муносабатини ўрганилса юқори ҳосил олиш имкониятлари ошади. Шароббоп узум навларининг устириш шароити олинанидан хосил сифатига ва ундан олинанидан шаробнинг сифатига таъсир етишини ҳисобга олиш лозим. Узумни пишиб етилганлигини аниқлаш унинг ҳосилини теришда керакли идиш ва анжомларни олдиндан тайёрлаб қўйишни талаб этади. Бундан ташқари узумни қайта ишлашда хом ашёга қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилиш лозим бу эса ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган анжумани. Тошкент 8-декабр.2019.
2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида №ПФ-5853. 2019 йил 23 октябрь.
3. Темуров Ш. «Узумчилик» Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент.2002
4. Жўлбеков И., Умрзоқова И. УЗУМНИНГ ШАРОБОП НАВЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ТУРЛИ НАВЛИ ШАРОБ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 158-165.

5. Sultanov K. S., Egamberdiev P. E., Jo'lbekov I. S. THE INFLUENCE OF THE USE OF GROWTH SUBSTANCES ON THE CHEMICAL COMPOSITION OF SULTANAS' GRAPE JUICE //American Journal Of Agriculture And Horticulture Innovations. – 2024. – Т. 4. – №. 02. – С. 46-50.
6. Султонов К. С., Егамбердиев П. Е., Жўлбеков И. С. УЗУМНИНГ КИШМИШБОП НАВЛАРИНИ ЕРТОК УСУЛИДА ЎСТИРИШДА ТУПЛАР КАТТАЛИГИ ВА УЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 106-109.
7. Sultonov K. S., Egamberdiyev P. E., Jo'lbekov I. S. UZUMNING KISHMISHBOP NAVLARIGA O 'STIRUVCHI MODDALARNING TA'SIRI //Евразийский журнал академических исследований. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 133-135.
8. Kamoliddin S., Pulatjon E., Ibrohim J. DEPENDENCE ON THE MECHANICAL COMPOSITION OF THE APPLICATION OF GROWTH SUBSTANCES TO THE GROWING VARIETIES OF GRAPES //Universum: технические науки. – 2024. – Т. 8. – №. 3 (120). – С. 37-40.
9. Ergashovich E. P. et al. Effect of buds particle on productivity and quality when growing Katta Kurgan table variety grapes by voish method. – 2022.
10. Mamatova Y., Jo'lbekov I., Adhamov A. QURITISH UCHUN MO'LJALLANGAN UZUM NAVLARINI TOVAR VA TEXNOLOGIK SIFATI TANHLILI //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 97-99.
11. Сапаева З. Ш. и др. Влияние низкотемпературной обработки некоторых сортов винограда на их аминокислотный состав //Молодой ученый. – 2021. – №. 22. – С. 117-120.
12. Файзиев Ж. Н., Эгамбердиев П. Э., Жўлбеков И. С. Ў. УЗУМНИНГ ХЎРАКИ КАТТА ҚЎРҒОН НАВИНИ ВОИШ УСУЛИДА ЕТИШТИРГАНДА КУРТАК ЮКЛАМАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. Speical Issue 1. – С. 254-257.
13. Эгамбердиев П. и др. УЗУМНИНГ ХЎРАКИ ОҚ ХУСАЙНИ НАВИНИ ВОИШ УСУЛИДА ЕТИШТИРГАНДА КУРТАК ЮКЛАМАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА БОҒЛИҚЛИГИ //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 902-905.
14. Egamberdiyev P. et al. INTENSIV BOG 'DORCHILIKNING ASOSIY ILMIY RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 6 Part 2. – С. 105-109.
15. Sultanov K., Egamberdiev P., Khujakulov F. THE DEPENDENCE OF THE AMOUNT OF ORGANIC MATTER ON THE DEVELOPMENT OF THE ROOTS OF GRAPE VARIETIES //American Journal Of Agriculture And Horticulture Innovations. – 2024. – Т. 4. – №. 03. – С. 15-20.
16. Султонов К., Эгамбердиев П., Хужақулов Ф. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС УЗУМ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА МИНЕРАЛ ЎФИТЛАРНИНГ ИЛДИЗ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 39-44.